

Бугун ўзбек адабиётшунослиги авжи янгиланиш палласини бошидан кечираяпти. Кимdir билагон шогирдларни етиштирайин дея, бу хайрли ишга бош кўшаётган бўлса, кимdir ўз тадқикотлари билан бевосита жараёнда иштирок этмокда. Хуллас, бирор адабиёт тарихию матншуносликда, бошка бирор эса назария ё танкид соҳасида кўлидан келганича уринаётир. Буларнинг хаммаси яхши. Лекин яна шундай адабиётшуносляримиз борки, уларнинг ўзлари орка планда – парда ортида колиб, саҳнага фикрларинигина кўйиб юборишган. Мен бу ўринда, устоз Талъат Солиховни назарда тутаяпман. Унинг жаҳон адабиёти ва, умуман, санъати борасидаги мушоҳадалари дарс ва сухбат чоғларида хайриҳо шогирдлар томонидан ёзиб олинган. (Ёзиб олинмаганининг уволи нима бўлади, дейман гоҳида ўзимга-ўзим...) Бори – шу. Лекин ана шу “бори”га караб, унинг салмогини чамалаб кўргандаёк аён бўлаётирки, истиклол даври ўзбек адабиётшунослигининг чинакам янгиланиши, айни, Талъат Солиховдек заҳматкашу хокисор олимларнинг адабиётга карашлари зимнида яшириниб ётиби экан. Чунки Талъат Солихов ўқиган маърузалар катида, наинки, ўзбек, балки жаҳон адабиёти ва санъатига сўзнинг том маъносида Янгича Карап муржассам эди. Бу Карап ўз вактидаёк муайян титроқлару кайфиятни жонимизга соглан эди, лекин, барибир, унинг мевалари ларзон-ларзон даври хали олдинда, деб ўйлайман. Чунки Талъат Солиховдан колган адабиётшуносликка доир хажман кичик, лекин мазмунан гоят салмоқдор мерос халигача асосан саргайган дафтарлардагина “кун кўраётир”. Уларни зудлик билан топиш, тўплаш, саралаш, тизимга солиб чоп этиш ва йўсин адабиётшунослигимиз “дастурхонига” тортиқ этиш замони аллакачон келган. (Албатта, домланинг барча карашларини “мутлак хакикат” дея таърифлашдан тамоман йирокман. Адабиётшуносликнинг буғунги даражасидан туриб, унинг айрим муроҳазалари билан тортишиш мумкин. Хатто менинг ўзим Белинский, Толстой хакидаги карашларию шакл ва мазмун борасидаги кескин муроҳазалари туфайли, хаёлимда устоз билан доимо баҳслашиб юраман. Лекин гап бунда эмас. Гап домла колдирган мерос зимнида яширинган тафаккур жасоратида, жасоратнинг мазмун-моҳиятида. Устознинг ана шу сиймосида дарслклару китобларда эътиборимизга тортиқ этилаётган “хамма гаплар”ни ягона ва охирги хакикат эмаслигига ишора, уларни акл ва мантиқ тарозусида тортиб юришга, янада муҳими, инсон ва санъат хакидаги катта ва фундаментал илмга таянган холда янги ва мустахкам карашларга эга бўлишга чорлов бор. Яъни, мавжуд хакикатларга бошкacha карашнинг мумкин ва, хатто, зарурлиги акс этган унинг адабий нигоҳида.) Шу маънода, мен, аввало, унинг шогирдларига, адабиётимизнинг, адабиёт илмимизнинг чинакам ихлосмандларига, янгиланишу янги фикрнинг толмас химоячиларида, инсофу иймонини энг азиз неъмат янглиг асраб келаётган издошиларга мурожаат килиб айтмокчиманки, агар сизда хам хассос олим Талъат Солиховнинг оғзидан чикиб, хотирангизда муҳрланган ва ё каердадир китоблар орасида чанг босиб ётган эски дафтариғизда колиб кетган “сўзлари” бўлса, жамики савобу, эзгу амал хаки хурмати – таҳририятимизга етказсангиз. Вакти келиб, журнал сахифаларида жамланиб-тартибланиб эълон килинган мерос яхлит бир китоб холида нашр килинади, деган умид билан биз хам харакат килаверайлик. Куйида, эътиборингизга хавола этилаётган маъруза парчалари менинг конспект дафтарида колган ёзувлардир. Домла шошилмай гапирад эди, шунга кўра нафакат фикрлар, балки жумлаларнинг курилиши хам асосан маърузачининг ўзига тегишли

бўлса ажабмас, деб ўйлайман. Факат айрим фикрларни ё кискартириб ва ёхуд ихчамлаштириб ёзиб олган бўлишим мумкин. Баъзан фикрни ўз сўзларим билан ёзган ўринлар хам мавжуддир, эҳтимол. Хаммасини аник-тиник эслашнинг иложи йўк. Орадан йигирма икки – йигирма уч йилдан мўлрок вакт ўтибди, ахир! Шунга кўра, фикр ва жумла гализликлари бўлса, йигирма бир-йигирма икки ёшли гўр талабаники, яъни, каминаники, дея билгайсиз. Яна саралаш хам бизга тегишли. Яъни, маъруза тўлик когозга туширилмаган, балки ундаги айрим фикрларгина ёзиб олинган. Колган хаммаси устозники! Албатта, домла айтган кўпгина мулохазаларни кейинчалик биз бошка китоблардан хам ўқидик, лекин, барибир, устоз шу фикрларни битта мавзу байробги остида тўплаб, уларга умумий контекстда ўзгача мазмун, шукух багишлаган эди. Энг мухими, Талъат Солихов бутун бошли адабий йўналиш ёки ёзувчи ижодидан бир-иккита шундай фикрларни сугуриб олардики, кейинча чукуррок мулохаза килиб кўрсангиз, ўша йўналиш ё якка ижодкор асарларининг мохияти айни ўша “бир-икки фикр”га суюниб турганига амин бўласиз. Бу энди катта масштабдаги тафаккур эгасининг, хакикий адабиётшуноснингина кўлидан келадиган Буюк Ишдир! У ёгини суриштирсангиз, илмдаги чинакам янгиликлар тўртта терминни бир-бирига уриштириб, чиккан садосига махлиё бўлган олимларнинг жилд-жилд китобларидан эмас, йўк, балки, кўпинча, ана шундай тафаккур эгалари колдирган жажжигина мерослардан ибтидо олиши мумкин. Ха, бугун хеч бир муболагасиз таъкидлаб айтиш жоизки, Талъат Солихов янги ўзбек адабиётшунослиги таъмал тошини кўйганлар сафида муносиб ўрин тутади.